



ТЕНДЕРНАЯ ДОКУМЕНТАЦИЯ

на выполнение работ:

Ремонт участка канала «Туракурганская Машканал»
Туракургон машкаланинг ПК32+10 дан ПК39+70 гача
бўлган қисмини бетонлаш ва Туракургон машканал
ПК45+41 дан 51+20 гача, ПК156+10 , Богибаланд
каналидаги ПК24+25, ПК86+47, Калвак ПК20+30, 8+50,
Турикстон -2 ПК6+25, Кодиробод ПК0+00, Ковушкон
ПК32+35, 37+00, 56+18, Куш ариқ 0+00, Чумич ПК33+35,
37+00 булган гидроиншоотлани таъмирлаш.

ТЕНДЕРНАЯ ДОКУМЕНТАЦИЯ РАЗРАБОТАНА:

Туракургон ирригация булими



Туракургон – 2022 г

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан руйхатдан ўтказилган тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 Наманган вилояти Туракургон туман ирригация булими балансидаги Туракургон машкаланинг ПК32+10 дан ПК39+70 гача бўлган қисмини таъмирлаш ва Туракургон машканал ПК45+41 дан 51+20 гача, ПК156+10 , Богибалианд каналидаги ПК24+25, ПК86+47, Калвак ПК20+30, 8+50, Турикстон -2 ПК6+25, Кодиробод ПК0+00, Ковушкон ПК32+35, 37+00, 56+18, Куш арик 0+00, Чумич ПК33+35, 37+00 гидроиншиотлани таъмирлаш

1.2. Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 кун.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Наманган вилояти Туракургон туман ирригация булими

, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Узбекистон, Наманган вилояти, Туракургон тумани Бахт МФЙ Шодлик кучаси 70 уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Наманган вилояти Наманган шаҳар мактабгача таълими бошкармаси

биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар қўйилади:

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми;

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тутатиши ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чиzmалари) билан танишиб чиқиш ва танлов

таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган холда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгаришиш киритиш хуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгаришишга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгаришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгаририлган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгаришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси тақлифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш қуни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган тақлифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

№ 1илова

Танловга тақдим этиладиган хужжатлар руйхати

- 1 Декларация (Форма 1)
- 2 Лойхачи ташкилотнинг ташкилий структураси (Форма 2)
3. Танлов иштирокчиси туғрисида умумий маълумот. (Форма 3)
4. Танлов иштирокчисининг молиявий холати (Форма-4)
5. Танлов иштирокчисининг бажарган иш тажрибаси (Форма-5)
6. Курилиш ва таъмирлаш майдони билан танишганлиги туғрисидаги маълумот (Форма 6)
7. .Мавжуд техникалар, маҳсус ихтисослаштирилган асосий воситалар туғрисида маълумот (Форма 7).
8. Лойха смета хужжатларини ишлаб чикиш жараёнида ердамчи лойха ташкилотини жалб килиш туғрисида маълумот (Форма 8)
9. Qurilish toifasida reyting darajasiga ega bo'lgan tashkilot bo'linishi kerak

Илова №2**Таклифларни техник ва нархлар буйича баҳолаш.**

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан курсатилган муддатда иштирокчилардан электронний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жихатдан баҳоланади. Комиссия томонидан электронний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш утказилгандан сунг қўйидаги критерийларга асосан нархлар буйича баҳоланади.

| № | Критерийларноми, мазмуни | Энгюко ри балл | % хисобида |
|----|--|-------------------|---------------|
| 1. | Декларация (Форма 1) | 4 | 90% |
| 2. | Лойхачи ташкилотнинг ташкилий структураси (Форма 2) | 3 | |
| 3. | Танлов иштирокчиси туғрисида умумий маълумот. (Форма 3) | 10 | |
| 4. | Танлов иштирокчисининг молиявий холати (Форма-4) | 15 | |
| 5. | Танлов иштирокчисининг бажарган иш тажрибаси (Форма-5) . | 20 | |
| 6. | Курилиш ва таъмирлаш майдони билан танишганлиги туғрисидаги маълумот (Форма 6) | 12 | |
| 7. | Мавжуд техникалар, маҳсус ихтисослаштирилган асосий воситалар туғрисида маълумот (Форма 7). | 5 | |
| 8 | Лойха смета хужжатларини ишлаб чикиш жараёнида ердамчи лойха ташкилотини жалб килиш туғрисида маълумот (Форма 8) | 1 | |
| 9 | Qurilish toifasida reyting darajasiga ega bo'lgan tashkilot bo'linishi kerak | 20 | |
| 10 | Ишларни бажариш буйича берилган нархлар таклифи. (система томонидан) | | 10 % |